



## ПСИХОЛИНГВИСТИК КОНЦЕПТОЛОГИЯ ВА КОНЦЕПТЛАР ТАДҚИҚИДА АССОЦИАТИВ ЭКСПЕРИМЕНТНИНГ ЎРНИ

**Абдувалиев Махаматжон Арабович**

Андижон Давлат Чет Тиллари институти

Ф.ф.н. Профессор,

Mahamatjon-1958@gmail.com; +998943875119

<https://www.doi.org/10.37547/ejsspc-v03-i02-p1-37>

### ARTICLE INFO

Received: 06<sup>th</sup> February 2023

Accepted: 16<sup>th</sup> February 2023

Online: 17<sup>th</sup> February 2023

### KEY WORDS

Психолингвистик

эксперимент, ассоциатив  
эксперимент, ассоциатив  
стимул, семантик  
интерпретация, кўп маъно,  
ядро ва периферик маънолар,  
номинатив майдон,  
когнитив ва лингвокогнитив  
тадқиқотлар, рецептив  
эксперимент, анъанавий  
лингвистик таҳлил, юқори  
частотали, маъно  
компоненти.

### ABSTRACT

Психолингвистик эксперимент ҳаммасидан ҳам унинг эркин ва йўналтирилган икки тури намоён бўлган ассоциатив эксперимент инсонлар тафаккури реалликлари сифатида психологик реал маънолар ва контексларни ўрганишда самарали метод бўлиб қолмоқда. Ассоциатив экспериментнинг асосий мақсади ассоциатив стимул мазмунини яратиш бўлиб, у асосида тил бирликларининг семантик интерпретацияси амалга оширилади. Кўп маъноли сўз семантемаси таркибида турли семалар мавжуд бўлиб, унга таянилган холда ядро ва периферик маънолар фарқланади. Семантик интерпретациялаш амали орқали тадқиқ этилаётган сўз маъносининг умумлашган модели яратилади. Юқорида номи зикр этилган эркин ва йўналтирилган ассоциатив эксперимент концепт номинатив майдонини шакллантиришнинг усулларигина эмас, балки концепт мазмунини таҳлил этиш ва унинг когнитив белгиларини ажратиш усуллари ҳамдир.

**КИРИШ.** Инсоният пайдо бўлибдики, уни ўраб турган ташқи ва ички оламни сир асрорларини кашф этиш, бу ўрганиш орқали эришган билим ва тажрибалардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш мақсади билан яшаб келмоқда. Оламнинг бирор бўлаги ҳақидаги билимлар мажмуи ёки йиғиндиси тафаккур бирлиги бўлмиш концептда ўз ифодасини топади ва бу термин борасидаги соҳа олимларининг фикрлари яқдил эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Лекин концепт билан боғлиқ тил ва тафаккур муносабатлари, олам ҳақидаги билимларни юзага келтирувчи ментал жараёнлар, тил системаси билан оламнинг концептуал системаси, концепт тадқиқи, типологияси, концептуал ва лингвистик таҳлили усуллари ўртасидаги муносабатлар каби қатор масалалар ҳали ҳануз чуқур мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Шу боис, лингвокогнитология, унинг алоҳида тармоқ сифатида шаклланиб улгурган лингвистик концептология ўз олдига универсал ва миллий концептларнинг умумий ва хусусий



белги хусусиятлари уларнинг вербал ифода воситалари, семантикаси, миллий-маданий хусусиятлари кабиларни инсон ва этник омиллар билан боғлиқ равишда ўрганиш вазифасини қўйган.

Психоллингвистик эксперимент ҳаммасидан ҳам унинг эркин ва йўналтирилган икки тури намоён бўлган ассоциатив эксперимент инсонлар тафаккури реалликлари сифатида психологик реал маънолар ва контексларни ўрганишда самарали метод бўлиб қолмоқда.

**МЕТОД.** Тадқиқотда қиёсий-чоғиштирма, майдоний ёндашув, когнитив моделлаштириш, трансформатсия, компонент таҳлил, дистрибутив, статистик таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

**МУҲОКАМА ВА НАТИЖА.** Ассоциатив экспериментнинг асосий мақсади ассоциатив стимул мазмунини яратиш бўлиб, у асосида тил бирликларининг семантик интерпретацияси амалга оширилади. Кўп маъноли сўз семантемаси таркибида турли бирлик даражасига кўра мавжуд бўлиб, унга таянилган холда ядро ва периферик маънолар фарқланади. Бундай маънолар луғатларда қайд этилган маънолардан сон жиҳатидан кўпчиликни ташкил этади.

Семантик интерпретациялаш амали орқали тадқиқ этилаётган сўз маъносининг умумлашган модели яратилади. Юқорида номи зикр этилган эркин ва йўналтирилган ассоциатив эксперимент концепт номинатив майдонини шакллантиришнинг усулларигина эмас, балки концепт мазмунини таҳлил этиш ва унинг когнитив белгиларини ажратиш усуллари ҳамдир.

Айниқса когнитив ва лингвокогнитив тадқиқотларда айниқса рецептив эксперимент самарали ҳисобланади. Бунда маҳсус сўровномалар ўтказиш орқали концептни тушуниш, идрок этиш ва унинг субъектив таърифини яратиш масалалари ўрганилади. Бундай сўровномалар турли саволлар ёки турли мақсадга йўналтирилган топшириқлардан иборат бўлиши мумкин. Масалан: *"Hand"* ва *"arm"* деганда нимани тушунасиз?

Hand тана аъзоси сифатида қандай қисмлардан иборат эканлигини айтинг.

*Hand* (қўл) га ўз таърифингизни беринг. *Hand* таркибли сўз бирикмалари ва уларнинг маъновий фарқларига мисоллар ёзинг.

*To raise one's hand* (қўлини кўтармоқ), *ask for lady's hand* (қўлини сўрамоқ) қандай маъноларга эга?

*Hand* билан қўлланиладиган бошқа соматизмли бирикмаларга мисоллар ёзинг.

*Hand* (қўл) сўзининг дериватларига мисоллар беринг.

*Hand* (Қўл) *is* (бу) ва бошқалар.

Сўнгги топшириқ ассоциатив экспериментнинг йўналтирилган усулини ташкил этади. Номинатив майдон турли формал ва семантик хусусиятларга эга тил бирликларидан иборат бўлиши мумкин. Бундай бирликларнинг маънолари алоҳида семантик компонентлар йиғиндиси сифатида тасаввур қилинади ва когнитив жиҳатдан изоҳланади. У ёки бу майдонни ташкилловчи лексема ва фразеологик бирликларнинг семантик изоҳи уларнинг бир неча луғатларда қайд этилган маъноларини аниқлаш, умумий маъновий таърифини яратиш, синтактик қаторлар



аъзолари маъноларини компонент таҳлиliga тортиш каби анъанавий лингвистик таҳлил усул ва методларига таянилган ҳолда амалга оширилади.

Бундай тадқиқотлардан олинган маълумотларни тил эгалари ёрдамида текшириб олиш ҳам муҳим деб ҳисоблаймиз. Бу айниқса фразеологик бирликлар ва паремиялар тадқиқида муҳимдир. Бу амал концепт белгиларининг ёрқинлиги, концептнинг ижтимоий, руҳий, касбий ва гендер хусусиятлари борасида муҳим маълумотлар олиш имконини беради.

Бугунга келиб рецептив нутқ фаолияти бўйича қатор материаллар юзага келди [1; 14-15]. Е.И.Грищук “Абстрактные концепты в восприятии школьника” //Язык и национальное сознание Языкознание, Выпуск-2, [Грищук] номли мақоласида мактаб ўқувчиларининг абстракт концептларни ифодаловчи русча сўзларнинг маъноларини қай даражада билишлари борасида тўхталиб тажриба қилган. Тадқиқотнинг дастлабки босқичида таҳлилга тортиладиган сўзларни А.Н.Засорина тахрири остида нашр этилган частотали луғат (М. 1977) дан танлаб олган. Улар юкори частотали коммуникатив жихатдан аҳамиятли сўзлар бўлиб, улар ўз навбатида мазмунан гуруҳларга бўлинади:

*Ахлоқий-этик лексика (совесть, достоинство, правда ва бошқалар);*

*ижтимои-сиёсий лексика (свобода, прогресс, демократия);*

*субъектив -психологик лексика (любовь, грусть, обида, жалость);*

*коммуникатив -психологик лексика (воспитание, общение, молба, такт);*

*имущественно-прагматическая лексика (богатство, роскошь, бедность, быт);*

*философская лексика (душа, прошлое, личность, право);*

*интеллектуал-рационал лексика (ум, талант, хаос, невежество);*

Шундан сўнг таҳлилга тортилган сўзларнинг маъно компонентлари рўйхати тузилган, улар ўқувчилар тафаккурида мавжуд бўлган маънолар билан қиёсланган, сўзнинг дефинициялари С.И.Ожегов (1990), А.Л.Евгенева (1981-1984), С.А.Кузнецовалар томонидан яратилган луғатлардан олинган. Сўнгра рўйхатдаги маънолар маънони таниб(илғаб) олиш методи ёрдамида текширилган. Сўровномага жалб этилганлардан рўйхатдаги қайси маъноларни билишлиги ва мулоқотда қўллаши, билишлиги, лекин қўлламаслиги ва билмаслигини кўрсатиш сўралган. Бундан ташқари, субъектив таққослаш методи орқали таҳлил этилаётган маъноларнинг ҳақиқий мазмуни аниқланган. Бу жараёнда қуйидаги топшириқлар берилган:

- тажрибага тортилган сўз маъносини уни биринчи мартаба эшитаётган чет элликка тушунтиринг.

- сўз маъносига яқин сўзни айтинг;

- сўз маъносига зид сўзни айтинг;

- сўз орқали кўз ўнгингизда намоён бўлган образни тасвирланг. Ёрқинлик даражасига кўра инсонлар онгида мавжуд бўлган, муҳим бўлган компонентлар аниқланган. З.Д.Попова, И.А.Стернинлар “**бдительность**” сўзини худди шундай метод орқали тасвирлаганлар [7].

Юқоридаги концептлар таҳлили натижасида олимлар “*терпимость (сабр, чидам)*” рус кишиси характери сифати бўлиб, у маълум ҳулк моделини яратади. Бу модел бир неча кишиларнинг мулоқоти жараёнидаги муносабатлари (низолар чиққанда



осойишталикни сақлаш, тилини тия олиш ва қулоқ тутиш)да намоён бўлади. *Безконфликтность хулқ, тенгликни хоҳлаш* натижаси бўлса, бошқаларга бепарволик ва итоаткорлик, сузлик натижасидир. *Толерантлик* эса рус тилида кенг қўлланилмаслиги, унинг доминант маъноси *бошқалар фикри ёки эътиқодига ҳурмат қилиш* бўлсада, толерантлик концепти рус тили тафаккурида шаклланиш жараёнини бошидан кечирмоқда.

У ёки бу концепт калит сўзининг лексик-фразеологик майдонини қуриш, унинг белгилари таркибини бойишига, кенгайишига ҳизмат қилади. Ушбу метод калит сўзнинг синонимлари, антонимларини аниқлаштириш, эгаллаш, шунингдек жаргоним ва аргонимларни аниқлаш имконини беради. Шу нуқтаи назардан, М.В.Шаманова (1999)нинг “Национальная специфика отражения концепта общение в лексико – фразеологической системе русского языка” [Шаманова] номли мақоласи эътиборга лойиқ.

Мулоқот (общение) концептини репрезентантлари сифатида намоён бўлувчи лексик-фразеологик майдон 1828 лексема ва 314 фразеологик бирикмалардан иборат бўлиб, ушбу коммуникатив лексикани асосан феъл ва от сўз туркумларига хос тил бирликлари, шунингдек оз бўлсада сифатлар ва равишлар ташкил этади. Бу вербал воситалар майдони, олиманинг фикрига кўра, аниқ фарқланувчи ядро, яқин, узоқ ва периферия қисмлардан иборат. Майдоннинг ядро қисмини частотаси юқори бўлган, маъновий жиҳатдан умумлашган тўғри маъноли, стилистик жиҳатдан нейтрал эмоционал- экспрессив ва темпорал жиҳатдан чегараланмаган, контекстга минимал даражада боғлиқ бўлган лексемалардир. Буларга муаллиф *разговаривать, рассказывать, распознавать, приказывать, приказать, общество, красит, отвечать* кабиларни киритган.

Шуниси қизиқки, мақола муаллифи ядро таркибида марказни ажратади ва улар *говорить (сказать), вопрос* эканлигини таъкидлайди. Бу тўғри ҳам. Чунки ядро ва марказ бирликлари частотаси ўртасидаги фарқ сезиларли даражада. Яъни, ядро бирликларининг қўлланилиши 100дан 553гача бўлса, ядро маркази бирликларининг частотаси 900дан 2990гачани ташкил этган.

Яқин периферияга мансуб лексемаларнинг асосий белгилари ядрога нисбатан кам частотага эгаллиги, стилистик жиҳатдан нейтраллиги, контекстга минимал даражада боғлиқлик бўлиб, бунга *сообщать, шутить, объявлять, разрешить, просьба* ва бошқалар киритилган.

Узоқ периферия, М.В.Шаманова фикрига кўра, ўз таркибига юқори частотага эга бўлмаган бир ва кўп маъноли тил бирликларини киритади. Кўп маъноли сўзлар орасида коммуникатив маъно учун асосий бўлмаганлари ҳам учрайди: *объясняться – суҳбат олиб бормоқ, гаплашмоқ, выступать – нутқ сўзламоқ, фикрини билдирмоқ, омма орасида (мажлисда) фикр билдирмоқ* ва бошқалар.

Майдоннинг энг четки перифериясини ташкилловчилар паст частотали бўлиб, кўп маъноли лексемаларнинг аксарият қисми майдонда асосий маънога эга бўлмайди: *“отступиться” ким биландир мулоқот қилишни бас қилмоқ; переговоры – баланд овозда ва кўп гапириб бошқаларнинг гапиришига йўл қўймаслик* кабилар бунга мисол бўла олади.



Майдоннинг энг четки қисмига эскирган сўзлар ҳам мансуб бўлиб, улар кам қўлланилади ёки асосий маъносида қўлланмайди: *болтать, говорить, вздор*.

Таҳлиллар асосида мақола муаллифлари рус тафаккури мулоқот концептига хос белгиларини номлашда образли фразеологик йўлни танлаганлар, деган хулосага келишган.

Майдонни ташкиловчи бирликларнинг 45%и сўзлашув лексикасига мансублигидан келиб чиқиб бундай бирликларни юқори коммуникатив релевантликка эга бирликлар деб ҳисоблайди.

Паремиялар ва афоризмлар таҳлили тадқиқотчига, энг аввало, концептнинг интеграцион майдони мазмуни ҳақида маълумотлар беради. Бундай таҳлил А.Г.Зубкованинг “Концепты бы и царь в религиозном сознании русских” мақоласида амалга оширилган. Муаллифнинг аниқлашича, христиан дунёқараши тана ва руҳ, ер ва осмонни қарама қарши қўйишга асосланган. Бундай қарама қарши қўйиш “*Душой божьи телой государевы; Боже богу, а царево царю*” мақолларида ўз аксини топган. Таҳлилга тортилган паремияларда концептнинг қуйидаги белгилари ажратилган: Худо ва подшоҳнинг кучли ва қудратли эканлиги (Никто против Бога против царя; один Бог один Государь;

*Худо ва подшоҳ кўп нарсаларга эга* (У Бога да у Царя всего много; Все боже да государьего);

*Худо - ота, қалқон* (Бог - батька, государь дядька);

*Подшоҳ Оллоҳнинг ердаги вакили* (Царь от бога пристав; коли царя Бога знает, Бог и царь и народ знает);

*Подшоҳ Оллоҳ ҳукми остида, у олдидан мажбуриятли* (*Сердце царево в руке божье* (Одному Богу царь ответ держит);

*Худо ва подшоҳ қасам вазифасини бажарадилар* (Суди меня Бог за государь);

Шунингдек, олима рус талқинларида *Худо ва подшоҳ* вазифаларини туркумдаги фарқларини ҳам кўрсатиб беради. Булар:

*Осмон Худо ҳукмида, ер эса подшоҳ* (Бог на небе царь на земле)

*Худо кечиради, подшоҳ эса тақдирлайди* (Бог помилует так и царь пожалеет).

*Подшоҳнинг ерга нисбатан мустақиллиги Аллоҳ қудратига қарама- қарши қўйилмайди* (Правда божья а суд царев.)

Мисолларда кўрсатиб ўтилганидек, рус тафаккури ва подшоҳ ҳукуматда итоатли бўлиш таъкидланган. Мазмун тилга мансуб концептнинг муайян белгиларини бошқа бир тилдаги семантик белгилар билан солиштириб ўрганиш ҳам самарали усул ҳисобланади. Бунда турли тиллардаги эквивалент концептлардаги мавжуд бўлган миллий ўзига хосликлар. Таҳлил ва турли халқларга хос концептлар семантик мазмунида ифодали ўхшатишлар аниқланади.

Масалан, О.М.Восвудскаянинг “Концепты света-тьмы в русском и английском языках” [3: 157-168] номли мақоласида юқоридаги ҳар икки тилда свет ва *light* сўзларидаги фарқли маънолар аниқланган. Бу фарқли ўзига хос маънолар рус тилида учта бўлса инглиз тилида саккизтани ташкил этган.

Рус тилида свет сўзи *light* эга бўлмаган қуйидаги маъноларга эга экан:



олам, дунё, ер курраси ва унга тааллуқли барча нарсалар; имтиёзларга эга бир синфга мансуб кишилар гуруҳи; қадрли ва севимли киши (сўзловчи учун).

Инглиз тилида эса бундай маънолар қуйидагилардир: *томда ёруғлик тушиши учун тайёрланган мослама ёки дераза, люк; бирон нарсани ёқиш учун тайёрланган гулхан, олов; кўриш (eyelight); кроссворддаги сўзларни топиш орқали топиладиган сўз; инглиз қонунчилигида таъкидланган фуқароларнинг ҳуқуқи: бош ижрочи столи, ёрқин ифодаланган театр афишаси; ҳаёт фалсафаси, стандарт; табиий ёки орттирилган қобилият, истеъдод.*

**ХУЛОСА.** А.Б.Болхоева ўзининг “Рус ва инглиз маданиятларида меҳмондўстлик (гостеприимство) концепти миллий ўзига хослиги” [4; 69-71] номли мақоласида ушбу концептни ифодаловчи синфлар таҳлили асосида инглиз ва рус тилида сўзлашувчилар тасаввуридаги меҳмондўстликка бўлган ижобий эмоционал баҳо ва сахийлик ва меҳмонларга нисбатан самимийлик, умумийлик касб этади, деган хулосага келади. Дарвоқе, бу жиҳатлар ўзбек халқига ҳам хос фазилатлардир. Инглиз тилида ушбу концептни ифодаловчи синоним сўзларнинг иккитаси, рус тилида 5 таси аниқланган (*hospitality, welcome, hospitableness, kindness, genuality, cordiality, sociability, warms, benevalence, generosity, liberality*) гостеприимство радушие? гостеприимство и хлебосольство, радушный прием).

Олимларнинг таъкидлашича, инглиз тилида меҳмондўстликни ифодаловчи сўзларнинг кўплиги, *hospitality* концепти бир қанча белгилардан иборат эканлиги ва улар тилда ўз аксини топганликларидан далолат беради. Рус тилидаги *гостеприимство* лексемасида *хлебосольство (нон-тузлик)* белгиси алоҳида ажралиб туради.

А.В.Медведева “Инглиз ва рус концептосфераларида уй образлари” [5; 78-80] номли тадқиқот ишида рус тафаккурида *дом* ватан, она ватан тушунчаларига тўғри келадиган бўлса, инглизларда *home* инсоннинг ички дунёси *душа* анча торайиб борганлигини асослаб беради. Рус ва француз тилларидаги эквивалент концептлар *гость* ва *hate* устида олиб борилган таҳлиллар натижасида Т.В.Кавалова [6; 32-33] рус концептида *хорошо накормить* Белгиялик, француз концептида иш билан келгувчи белгиси мавжудлиги далиллаб берилади.

Замонавий тилшуносликда концептлар тадқиқида ассоциатив экспериментга таяниб иш кўриш, у орқали концепт лисоний бирликларнинг семантик интерпретациясини амалга ошириш лингвистик концептология учун қимматли маълумотлар беради.

### References:

1. Амосова Н.Н. Основы английской фразеологии. – Ленинград: Издательство Ленинградского университета, 1983. – 208 с.
2. Бабушкин А.П., Стернин И.А. Когнитивная лингвистика и семасиология. – Воронеж: ООО «Ритм», 2018. – 229 с.
3. Влавацкая М.В. Типы концепта и понятие сочетаемости В сб. Язык и национальное сознание Вып. 14. – Воронеж: Истоки, 2010. – С.14-26.
4. Колшанский Г.В. О природе контекста // Вопросы языкознания, 1959. №4.



5. Новосибирский государственный технический университет научная библиотека им. Г.П.Лыщинского. Влавацкая Марина Витальевна. Юбилейный библиографический указатель Книги, статьи и другие работы за 1998–2021 гг. Новосибирск 2021.
6. Пименева М.В. Методология концептуальных исследований В. Антология концептов. Том 1. – Волгоград: Парадигма, 2005. – С. 7-19.
7. Попова З.Д., Стернин И.А. Когнитивная лингвистика. Учебное издание. Москва АСТ: «Восток-Запад» 2007.
8. Топорова В.М. Методика исследования концептуальных блоков В.сб. Язык и национальное сознание. Вып. 14. – Воронеж: Истоки, 2010. – С. 40-48.